ҚҲММБ: 09/21/39/0069-сон
28.01.2021 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20**21** yil «**28**» **январь** № **39** Toshkent sh.

## “Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикамиз кимё соҳасига замонавий хорижий тажрибаларни жалб этган ҳолда, кадрларнинг касбий кўникма ва билимларини ошириш, илм-фан, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ўртасида чуқур интеграциялашувни таъминлаш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ–4301-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2019 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Корея Республикасининг Эксимбанки ўртасида “Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) биргаликда амалга ошириш ва молиялаштириш тўғрисида Ўзаро англашув меморандуми имзоланганлиги;

лойиҳани амалга ошириш учун “Ўзкимёсаноат” АЖ муассислигида “Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – “Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти” МЧЖ) ташкил этилганлиги;

лойиҳани амалга ошириш доирасида “Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти” МЧЖга Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Чоштепа қишлоғи манзили бўйича 25,36 га ер майдони ажратилганлиги;

2020 йил май ойида умумий қиймати 53,8 млн долларга тенг бўлган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши ишлаб чиқилганлиги ва белгиланган тартибда ваколатли давлат органларида экспертизадан ўтказилганлиги ҳамда лойиҳа 2024 йил декабрда ишга туширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар лойиҳани молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Корея Республикаси Эксимбанки томонидан 40 йил муддатга, шу жумладан, 10 йил имтиёзли давр билан, йиллик фоиз ставкаси 0,15 фоизни ташкил этувчи 40 млн АҚШ доллари миқдорида ажратиладиган кредит;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг соф фойдасидан Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизини йўналтириш ҳисобидан 13,8 млн АҚШ доллари.

3. Қуйидагилар:

“Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини ташкил этиш” инвестиция лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини ташкил этиш” инвестиция лойиҳаси доирасида Корея Республикаси Эксимбанки кредитининг асосий қарзини, унга ҳисобланган фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Корея Республикаси Эксимбанки билан лойиҳани молиялаштириш учун 40 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз битимини ва “Ўзкимёсаноат” АЖ билан қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни белгиланган тартибда имзолаш ваколати берилсин. Бунда Ўзбекистон Республикасининг йиллик 0,075 фоиз маржаси инобатга олинсин.

5. Белгилансинки:

Корея Республикаси Эксимбанки кредити бўйича асосий қарз, унга ҳисобланган фоизлар ва бошқа тўловлар “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг соф фойдаси, Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағлари ҳамда “Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти” МЧЖ томонидан соҳадаги янгиликлар ва патентларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилади;

“Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти” МЧЖ “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибига киритилади, бино ва иншоотлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари “Ўзкимёсаноат” АЖ маблағлари ҳамда лойиҳа доирасида соҳадаги янгиликлар ва патентларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. “Ўзкимёсаноат” АЖ:

бир ой муддатда лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун Лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этсин ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун жалб қилинадиган консультант билан биргаликда янги бинони қуриш ўрнига мавжуд бинолардан фойдаланиш эвазига лойиҳа қийматини мақбуллаштирсин ва 2021 йил 1 ноябрга қадар лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишига аниқлик киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. “Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти” МЧЖ Тошкент шаҳридаги “Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали билан қўшма жойлашув тамойили асосида Корея томони билан келишилган ҳолда, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 47-уйда жойлашган Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикасининг Эксимбанки ўртасида имзоланган қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "28" январдаги 39-сон қарорига
1-илова

**"Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини ташкил этиш" инвестиция лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий**
**ПАРАМЕТРЛАРИ**

| Т/р | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | Жами | Молиялаштириш манбаи | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Корея Эксимбанки | "Ўзкимёсаноат" АЖ |
| 1 | Лойиҳанинг умумий қимати* | минг АҚШ долл. (экв.) | 53 800 | 40 000 | 13 800 |
| 2 | Қурилиш | минг АҚШ долл. | 21 500 | 21 500 | - |
| 3 | Тадқиқот ускуналари | минг АҚШ долл. | 8 500 | 8 500 | - |
| 4 | Ўқитиш харажатлари | минг АҚШ долл. | 1 150 | 1 150 | - |
| 5 | Консалтинг хизматлари | минг АҚШ долл. | 2 384,83 | 2 384,83 | - |
| 6 | Ер ажратиш, майдонни тайёрлаш ва бошқалар | минг АҚШ долл. (экв.) | 2 800 | - | 2 800,00 |
| 7 | Лойиҳани бошқариш | минг АҚШ долл. (экв.) | 1 000 | - | 1 000,00 |
| 8 | Солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар | минг АҚШ долл. (экв.) | 10 000 | - | 10 000,00 |
| 9 | Кутилмаган ҳолатлар | минг АҚШ долл. | 6 425,17 | 6 425,17 | - |
| 10 | Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар | минг АҚШ долл. (экв.) | 40 | 40 | - |
| 11 | Янги иш ўринлари | нафар | 130 | | |
| 12 | Инвестиция даврининг давомийлиги | ой | 42 | | |
| 13 | Кредитни тўлаш муддати | йил | 40 | | |
| | шу жумладан, кредитнинг асосий қисмини тўлаш учун белгиланган имтиёзли давр | йил | 10 | | |

**Изоҳ:**
**) Лойиҳанинг умумий қиймати кореялик консультант танлаб олингандан сўнг янги бино ўрнига мавжуд бинолардан фойдаланиш бўйича олиб бориладиган музокаралар натижасига кўра аниқлаштирилади.*

ҚҲММБ: 09/21/39/0069-сон
28.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "28" январдаги 39-сон қарорига
2-илова

**"Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини ташкил этиш" инвестиция лойиҳаси доирасида Корея Республикаси Эксимбанки кредитининг асосий қарзини, унга ҳисобланган фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз ЖАДВАЛИ**

| | |
|---|---|
| Жами қарз миқдори | – 40 млн АҚШ доллари |
| Қарзни қайтариш муддати | – 40 йил *(имтиёзли давр – 10 йил)* |
| Қарз бўйича фоиз ставкаси | – 0,225 фоиз |
| Қарзни ташкил этиш йиғими | – 0,1 фоиз |

*минг АҚШ доллари*

| Т/р | Тўлов муддатлари | Ўзлаш-тириш | Тўлов миқдорлари* | | | Жами тўловлар миқдори |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | асосий қарз бўйича тўловлар | фоизлар бўйича тўловлар | қарзни ташкил этиш йиғими | |
| 1. | 20.02.2021 | 1 255,22 | | | 1,26 | 1,26 |
| 2. | 20.04.2021 | | | 1,42 | | 1,42 |
| 3. | 20.10.2021 | 5 810,0 | | 1,41 | 5,81 | 7,22 |
| 4. | 20.04.2022 | | | 7,97 | | 7,97 |
| 5. | 20.10.2022 | 17 680,0 | | 7,93 | 17,68 | 25,61 |
| 6. | 20.04.2023 | | | 27,91 | | 27,91 |
| 7. | 20.10.2023 | 15 254,78 | | 27,76 | 15,25 | 43,01 |
| 8. | 20.04.2024 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 9. | 20.10.2024 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 10. | 20.04.2025 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 11. | 20.10.2025 | | | 44,88 | | 44,88 |
| 12. | 20.04.2026 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 13. | 20.10.2026 | | | 44,88 | | 44,88 |
| 14. | 20.04.2027 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 15. | 20.10.2027 | | | 44,88 | | 44,88 |
| 16. | 20.04.2028 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 17. | 20.10.2028 | | | 44,88 | | 44,88 |
| 18. | 20.04.2029 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 19. | 20.10.2029 | | | 44,88 | | 44,88 |
| 20. | 20.04.2030 | | | 45,12 | | 45,12 |
| 21. | 20.10.2030 | | 666,67 | 44,88 | | 711,55 |
| 22. | 20.04.2031 | | 666,67 | 44,37 | | 711,04 |
| 23. | 20.10.2031 | | 666,67 | 43,38 | | 710,05 |
| 24. | 20.04.2032 | | 666,67 | 42,87 | | 709,54 |
| 25. | 20.10.2032 | | 666,67 | 42,12 | | 708,79 |
| 26. | 20.04.2033 | | 666,67 | 41,36 | | 708,03 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 27. | 20.10.2033 | | 666,67 | 40,39 | | 707,06 |
| 28. | 20.04.2034 | | 666,67 | 39,86 | | 706,53 |
| 29. | 20.10.2034 | | 666,67 | 38,89 | | 705,56 |
| 30. | 20.04.2035 | | 666,67 | 38,35 | | 705,02 |
| 31. | 20.10.2035 | | 666,67 | 37,40 | | 704,07 |
| 32. | 20.04.2036 | | 666,67 | 36,85 | | 703,52 |
| 33. | 20.10.2036 | | 666,67 | 36,10 | | 702,77 |
| 34. | 20.04.2037 | | 666,67 | 35,35 | | 702,02 |
| 35. | 20.10.2037 | | 666,67 | 34,41 | | 701,08 |
| 36. | 20.04.2038 | | 666,67 | 33,84 | | 700,51 |
| 37. | 20.10.2038 | | 666,67 | 32,91 | | 699,58 |
| 38. | 20.04.2039 | | 666,67 | 32,34 | | 699,01 |
| 39. | 20.10.2039 | | 666,67 | 31,41 | | 698,08 |
| 40. | 20.04.2040 | | 666,67 | 30,83 | | 697,50 |
| 41. | 20.10.2040 | | 666,67 | 30,08 | | 696,75 |
| 42. | 20.04.2041 | | 666,67 | 29,33 | | 696,00 |
| 43. | 20.10.2041 | | 666,67 | 28,42 | | 695,09 |
| 44. | 20.04.2042 | | 666,67 | 27,83 | | 694,50 |
| 45. | 20.10.2042 | | 666,67 | 26,93 | | 693,60 |
| 46. | 20.04.2043 | | 666,67 | 26,32 | | 692,99 |
| 47. | 20.10.2043 | | 666,67 | 25,43 | | 692,10 |
| 48. | 20.04.2044 | | 666,67 | 24,82 | | 691,49 |
| 49. | 20.10.2044 | | 666,67 | 24,07 | | 690,74 |
| 50. | 20.04.2045 | | 666,67 | 23,31 | | 689,98 |
| 51. | 20.10.2045 | | 666,67 | 22,44 | | 689,11 |
| 52. | 20.04.2046 | | 666,67 | 21,81 | | 688,48 |
| 53. | 20.10.2046 | | 666,67 | 20,94 | | 687,61 |
| 54. | 20.04.2047 | | 666,67 | 20,31 | | 686,98 |
| 55. | 20.10.2047 | | 666,67 | 19,45 | | 686,12 |
| 56. | 20.04.2048 | | 666,67 | 18,80 | | 685,47 |
| 57. | 20.10.2048 | | 666,67 | 18,05 | | 684,72 |
| 58. | 20.04.2049 | | 666,67 | 17,30 | | 683,97 |
| 59. | 20.10.2049 | | 666,67 | 16,45 | | 683,12 |
| 60. | 20.04.2050 | | 666,67 | 15,79 | | 682,46 |
| 61. | 20.10.2050 | | 666,67 | 14,96 | | 681,63 |
| 62. | 20.04.2051 | | 666,67 | 14,29 | | 680,96 |
| 63. | 20.10.2051 | | 666,67 | 13,46 | | 680,13 |
| 64. | 20.04.2052 | | 666,67 | 12,78 | | 679,45 |
| 65. | 20.10.2052 | | 666,67 | 12,03 | | 678,70 |
| 66. | 20.04.2053 | | 666,67 | 11,28 | | 677,95 |
| 67. | 20.10.2053 | | 666,67 | 10,47 | | 677,14 |
| 68. | 20.04.2054 | | 666,67 | 9,78 | | 676,45 |

ҚҲММБ: 09/21/39/0069-сон
28.01.2021 й.



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 69. | 20.10.2054 | | 666,67 | 8,98 | | 675,65 |
| 70. | 20.04.2055 | | 666,67 | 8,27 | | 674,94 |
| 71. | 20.10.2055 | | 666,67 | 7,48 | | 674,15 |
| 72. | 20.04.2056 | | 666,67 | 6,77 | | 673,44 |
| 73. | 20.10.2056 | | 666,67 | 6,02 | | 672,69 |
| 74. | 20.04.2057 | | 666,67 | 5,26 | | 671,93 |
| 75. | 20.10.2057 | | 666,67 | 4,49 | | 671,16 |
| 76. | 20.04.2058 | | 666,67 | 3,76 | | 670,43 |
| 77. | 20.10.2058 | | 666,67 | 2,99 | | 669,66 |
| 78. | 20.04.2059 | | 666,67 | 2,26 | | 668,93 |
| 79. | 20.10.2059 | | 666,67 | 1,50 | | 668,17 |
| 80. | 20.04.2060 | | 666,67 | 0,75 | | 667,42 |
| **Жами** | | | **40 000,0** | **2 033,1** | **40,0** | **42 073,3** |

**Изох:**

**) Тўловлар суммаси қарзни ҳақиқатда ишлатиш суммаси ва қарзни олиш санасидан келиб чиқиб аниқлаштирилади.*

